

АЦЕТИЛСАЛИЦИЛ КИСЛОТАСИ СУБСТАНЦИЯСИНИНГ ФИЗИК - КИМЁВИЙ ВА ТЕХНОЛОГИК ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ

З.Ш.Тухтаев., Х.К.Жалилов

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси, Тошкент фармацевтика институти, Тошкент, Ўзбекистон Республикаси

Мақсад: «Ацетазол» таблеткаси таркибига кирувчи ацетилсалицил кислотаси субстанцияси физик – кимёвий ва технологик хоссаларини ўрганиш.

Усуллар: тадқиқотларда Huayin Jinqiancheng Pharmaceutical Co., Ltd, Хитой фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган серия рақами: № 0712046; № 0712047; № 0712048 субстанциялари ишлатилди. Субстанцияларнинг физик-кимёвий ва технологик хоссалари умумий қабул қилинган усуллар ёрдамида аниқланди (Х1 ДФ, USP 23 ва BP 2005).

Натижалар: тадқиқотлар учун олинган ацетилсалицил кислотаси намуналари ўзининг физик-кимёвий хоссаларига кўра оқ рангдаги, майда кристалл кукунлардан иборат бўлиб, кучсиз ўзига хос ҳидга ва кучсиз нордон мазага эга. Намликни тортиб гидролизланиш хусусиятига эга. Сувда кам, спиртда яхши, эфир, бензол ва хлороформда эрийди. Суюқланиш харорати 133-138° С.

Ацетилсалицил кислотаси ўзининг технологик хоссаларига кўра куйидаги кўрсаткичларга эга, субстанциянинг кўп қисми йирик кукунлардан иборат бўлиб 30,05% -1000 мкм + 500 мкм; 41,27% - 500 мкм + 250 мкм; кўринишдаги фракцион таркибдан иборатдир. Бундай фракцион кўринишдаги масса заррачаларининг ўртача узунлиги 341,10 мкм, қолдиқ намлиги 5,21% га тенг бўлиб, бундай намликга эга бўлган субстанциянинг сочилувчан зичлиги 839,13 кг/м³, пресланувчанлик 10 Н, зичланиш кўрсаткичи 1,67, сочилувчанлик $11,79 \cdot 10^{-3}$ кг/сек ва эркин тўкилиш бурчаги 48,50° ташкил этади.

Хулосалар: тадқиқотлар учун олинган ацетилсалицил кислотаси субстанцияси намуналари шартли ижобий кўрсаткичларни намоён қилади ва тахтакачлаш жараёнида тегишли ёрдамчи моддалар ва технологик жараёни кўллашни талаб этади.